

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

АХУНОВ УЛУҒБЕК АБДУМУТАЛОВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташкил этиш. Адвокатура**

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шахри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

| | |
|---|----|
| Ахунов Улугбек Абдумуталович Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари..... | 3 |
| Ahunov Ulugbek Abdumatalovich Issues of Improving Prosecutorial Oversight over the Implementation of Legislation on Food Security..... | 25 |
| Ахунов Улугбек Абдумуталович Вопросы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законодательства о продовольственной безопасности..... | 43 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 51 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

АХУНОВ УЛУҒБЕК АБДУМУТАЛОВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташкил этиш. Адвокатура**

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шахри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Yu1157- рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталаida (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джўраев Иҳтиёр Бахтиёрович
юридик фанлар доктори, профессор

Рахимов Шавкатжон Жўраевич
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 03 апрель куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871)202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 19 март куни тарқатилди.

(2025 йил 19 мартағи 21-рақамли реестр баённомаси).

М.Т.Турғунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в/б, юридик фанлар доктори, доцент

Ш.И. Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

М.А. Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши ортидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давлатлар олдидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро озиқ-овқат дастури ижроси бўйича юритилган ҳисоботга кўра, 2022 йилда 47 млн. одам очликдан азият чеккан бўлса, тўйиб овқат емаётган аҳоли сонининг 828 млн. нафарга етиши озиқ-овқат хавфсизлигини миллий хавфсизлик даражасига кўтармоқда.¹ Бу эса сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини заҳирасини яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи-ларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, истеъмол бозорларига сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини кириб келишига чек қўйиш ва бу борадаги қонунбузиш ҳолатларини олдини олишнинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда XXI асрда аксарият можаро ва қуролли тўқнашувлар ҳам айнан озиқ-овқат етишмовчилиги оқибатида келиб чиқмоқда ёки ушбу можаролар дунёдаги озиқ-овқат балансига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммо бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб ва муҳим чақириклардан бири эканлигини, мазкур муаммони ҳал этишнинг энг кулай воситаларидан бири истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, табиий ресурсларга салбий таъсирларни ва исрофгарчилликни олдини олиш, аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳукукий механизмларини ишлаб чиқиши ҳамда ушбу соҳада қонунчилик ижроси устидан давлат ва жамоат назоратини кучайтириш, бу соҳада прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳукукий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотларга тобора зарурат юзага келаётганлигини кўрсатади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони билан импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳисобига юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди.² 2023 йил Глобал озиқ-овқат хавфсизлик индексидаги (Global Food Security) рейтингида Ўзбекистон индекс кўрсаткичи 9 поғона яхшилаб, 21 ўринни эгаллади (5,9 балл). Бироқ 2023 йилгача 10,3 млн. гектар яловларда ўтказилган геobotаник тадқиқотлар натижасига кўра, 703 минг гектари (6,8%) деградацияга учраб яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланган. Йилдан-йилга қудуқлар сув сатҳи пасайиб қудуқлар ишдан чиқмоқда. Ҳозирда 20 фоизга яқин майдонда чорва молларини суғориш учун муаммолар мавжуд. Қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ер майдонларининг 44 фоизидан ортиғи турли даражада, шундан 14 фоизи ўрта ва кучли шўрланганлиги ҳам етиштириладиган ҳосилга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон аҳолиси сони бугунги кунга келиб 37 млн.га етиб, йиллик ўртача 2 фоиз ўсишни қайд этмоқда, 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 43 млн. кишини

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 13.05.2023 йилдаги 11.1/3-23-188-сонли хати билан тақдим килинган маълумотлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.02.2024 й., 06/24/36/0130-сон.

ташкил қилиши башорат қилинмоқда. Бу эса, аҳолининг озиқ - овқат маҳсулотларига бўлган талаби 1,2 баробар ошишини кўрсатади.¹ Глобал даражада об-ҳавонинг кескин ўзгариши, сув танқислиги ва бошқа табиий оғатлар натижасида кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йўқотилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан таъсирчан прокурор назоратининг ўрнатилишини талаб қиласди. Зоро, прокуратура органлари томонидан аниқланган сўнгги уч йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ қонун бузилиши динамикаси шуни кўрсатадики, 2022 йилда 3606 та, 2023 йилда 6360 та ва 2024 йилда эса 7321 та қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган ва 203 фоизга ортган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона норматив-хуқуқий хужжатнинг мавжуд эмаслиги, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича чет давлатларга қарам бўлиб қолаётганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун деҳқон хўжаликларига ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш орқали маҳсулотларни кўпайтириш, моддий техник базасини яратиш жараёнлари устидан назорат қилиш, озиқ-овқат етиштиришда янги мулкдорлар, хусусан кластерлар тизими кириб келиши, ушбу субъектлар фаолияти устидан самарали прокурор назоратини ўрнатиш ва унинг ташкилий-хуқуқий асосларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023), “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2024) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун хужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун хужжатлари ижроси юзасидан прокурор назоратини самарали ташкил қилиш борасида илмий ва назарий изланишлар муҳим ўрин тутса-да, бироқ ушбу соҳа илмий жиҳатдан комплекс тадқиқ қилинмаган. Ўзбекистонда Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, З.С.Ибрагимов, Т.Мирзаев, О.М.Мадалиев, Т.А.Умаров, И.А.Жўраев, А.Б.Комилов, А.А.Махмудов, Ф.Р.Самиғжонов, Ш.Ж.Рахимов, К.К.Мардонов ва М.Т.Абдуҳакимовларнинг тадқиқот ишларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, прокурор назоратини ташкил қилиш, прокурор назорати

¹ Ўзбекистон Республикаси Ер фонди. -Тошкент, 2022. – 5, 39 бетлар.

хужжатларини қўллаш ҳамда прокуратура фаолиятининг асосий вазифа ва тамойиллари ҳамда жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг ролини оширишга доир масалалар ёритилган. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳамда устувор йўналишлари мамлакатимизнинг кўзга кўринган иқтисодчи олимлари Х.Абулқосимов, Н.Сотиболдиев ва Н.Саидахмедовалар томонидан илмий ишларида қисман тадқиқ қилинган. Аммо, ушбу изланишларда озиқ-овқат соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари яхлит тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бундан ташқари, МДҲга аъзо давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг айрим бир жиҳатлари Ю.О.Карпышева, М.С.Быкова, Н.В.Ласкина, .И.Александрова, О.Н.Коршунова, Ю.Г.Червякова, Т.Б.Ашиткова, О.В.Калугина, А.Д.Берензон, В.Г.Бессарабов, А.А.Чертова, В.И.Басков, С.Н.Бабаев, М.Н.Мирошниченко, М.В.Клепопосова, Е.Б.Хатова, В.А.Алиев, Е.С.Болтанова, И.С.Викторов, Р.М.Гасанов, А.Ю.Винокуров, К.Ю.Винокуров, А.Х.Казарина, С.В.Маслова ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Бироқ, айрим хорижий давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунлар ижроси прокуратура органларининг умумий назорат йўналишидаги бир тармоғи бўлганлиги сабабли, ушбу мавзу умумий асосларда ёритилган, холос. Хорижлик олимлардан АҚШ олими Билл Марлер, Жанубий Кореялик олимлар Мисук Парқ, Бёнгин Жо, Юсеок Лим, Бонгю Сонг, Таймин Ким ва бошқа олимлар озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан текширув ва тергов олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида илмий иш қилган бўлсаларда, мазкур соҳада прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ яхлит илмий тадқиқотлар олиб боришмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган “Прокурор назоратини такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишни ҳукуқий тартибга солиш бўйича илмий-назарий қоидалар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқотнинг вазифалари: мамалакатимизда озиқ-овқат хавфсиз-лигига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектининг назарий асосларини аниқлаш;

мазкур йўналишда прокурор назоратининг ҳукуқий тартибга солинишини ҳукуқий жиҳатдан таҳлил қилиш;

озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, ушбу йўналишда қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича прокурор назоратини ташкил этишнинг илмий

асосланган услубларини ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан прокурор назорат ҳужжатларини қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда прокуратура органлари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш хусусиятларини қиёсий - ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани мамлакатимиз қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

прокурорнинг озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан назоратни амалга оширишида бошқа давлат назорат органлари билан ўзаро муносабатларини ёритиш;

прокуратура органларида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш орқали уларни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифларни шакллантириш.

Тадқиқот обьекти озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатdir.

Тадқиқотнинг усуслари тадқиқот давомида тизимили тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуслардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар эътибори озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга оид назорат механизmlарини такомиллаштириш, муттасил ўсиб бораётган аҳолини озуқа билан таъминлаш мақсадида суғориладиган унумдор ерларни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат етиштириладиган суғориладиган ерлардан ноқонуний фойдалангандлик учун жавобгарлик чораларини қатъий қўллашга қаратилиши лозимлиги илмий асослаб берилган;

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқининг берилиши, қишлоқ хўжалигига оид қонунларга риоя этилиши

устидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари, истисно тариқасида, текширувларнинг “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга оширилиши зарурати илмий асослантирилган;

озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи ягона қонунни ишлаб чиқиш ва унда давлатнинг озиқ-овқат мустақиллиги, озиқ-овқат маҳсулотлари заҳираси, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат баланси, озиқ-овқат танқислиги, истеъмолнинг оқилона нормалари, мазкур йўналишдаги давлат органларининг вазифалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатлари, озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тартибини белгилаш таклифи илмий асослантирилган;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, транспортда ташиш ҳамда реализация қилиш шарт-шароитларига доир талабларни ўз ичига олган техник регламентларни, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ҳамда гигиена нормативларини, миллий стандартларни, техник шарт-шароитларни белгилаш йўли билан амалга оширилишини ҳуқуқий таъминлаш таклифи илмий асослантирилган;

иссиқхона хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш мақсадида иссиқхона хўжаликларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш чораларини кучайтириш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ - овқат маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш устидан назорат функциясини Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан “Ўзагроинспекция”га ўтказиш, инспекцияга мустақил идора мақомини бериш, озиқ-овқат етиштиришга мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан текширишларни ҳеч қандай келишувларсиз тўғридан - тўғри ўтказиб чора қўллаш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-90-сонли Фармони ва 2024 йил 22 октябрдаги “Агросаноат мажмуида давлат назорати тизимини янада такомиллаш-тиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-164-сонли Фармонида инобатга олинган;

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаштириш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, транспортда ташиш ҳамда реализация қилиш шарт-шароитларига доир талабларни ўз ичига олган техник регламентларни, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ҳамда гигиена нормативларини,

миллий стандартларни, техник шарт-шароитларни белгилаш йўли билан амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конуни 28-моддасида тадбиқ этилган;

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш мақсадида суғориладиган ерларни муҳофаза қилиш ва бундай ерлардан ноқонуний фойдаланиш учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги хуқуқбузарликларни олдини олиш механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори лойиҳасида акс этган;

Иссиқхона хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, ДХХ ва ИИВ ўргасидаги “Иссиқхона хўжаликларига нисбатан хукуқий таъсир чораларини қўллаш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг хукуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш чоралари ҳақида”ги Кўшма қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди;

Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Конуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибасини ўрганиш асосида ҳамда социологик тадқиқотлар, тадқиқот доирасида анкета сўровномаси натижалари, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳамда олинган хulosса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, эришилган натижаларининг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, амалиётга жорий қилинганлиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ўтказилган 1709 та текшириш ва таҳлил материаллари, уларда қўлланилган 11 087 та прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хulosса ва таклифлардан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни такомиллаштириш, ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ҳамда янги илмий тадқиқотлар ўтказишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва унда илгари сурилган илмий хulosса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникум ва коллежларда “Прокурор назорати”, “Аграп ва экология хукуқи” модулларининг маъruzasi ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришида

фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуидагиларда фойдаланилган:

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар эътибори озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга оид назорат механизмларини такомиллаштириш, муттасил ўсиб бораётган аҳолини озуқа билан таъминлаш мақсадида суғориладиган унумдор ерларни муҳофаза қилиш, бунинг учун зарур шартшароитларни ва имкониятларни яратиш, озиқ-овқат етиштириладиган суғориладиган ерлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини қатъий қўллашга қаратилиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер участкаларидан самарали фойдаланиш соҳадаги ҳукуқбузарликларни олдини олиш механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ти Қарори лойиҳасини ишлаб чиқишида (Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги директорининг 2023 йил 30 ноябрдаги 01-01-376-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан прокурор назоратини самарали ташкил этишини таъминлашга имкон берган;

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан инспекция ваколати доирасидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқи берилиши, инспекция томонидан мулкчилик шаклидан қатъий назар қишлоқ хўжалигига оид қонунларга риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари, истисно тариқасида, текширувларнинг “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ 90-сонли Фармонини, “Ўзагроинспекция”га мустақил идора мақомини бериш таклифи 2024 йил 22 октябрдаги “Агросаноат мажмуида давлат назорати тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-164-сонли Фармонини ишлаб чиқишида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2023 йил 11 декабрдаги 11.1/3-23-470-сонли ва 2025 йил 1 февралдаги 11.1/3-25-55-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш мақсадида экинларни экилишидан йиғишириб олишгача бўлган жараёнлар устидан прокурор назоратни янада кучайтиришни таъминлашга имкон берган;

озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва унда давлатнинг озиқ-овқат мустақиллиги, озиқ-овқат маҳсулотлари заҳираси, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат баланси, озиқ-овқат танқислиги, истеъмолнинг

оқилона нормалари, мазкур йўналишдаги давлат органларининг вазифалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатлари, озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тартибини белгилаш ҳақидаги таклифлардан “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишида (Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 4 декабрдаги 03/24-05/6197-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида прокурор назоратини ва давлат назоратини бошқариш тартибини такомиллаштиришга хизмат қиласи;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаштириш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, транспортда ташиш ҳамда реализация қилиш шарт-шароитларига доир талабларни ўз ичига олган техник регламентларни, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ҳамда гигиена нормативларини, миллий стандартларни, техник шарт-шароитларни белгилаш йўли билан амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасига киритилган ўзгартишда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раисининг 2023 йил 4 декабрдаги 04/08-10-04-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга киритилиши озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун хужжатлари ижроси юзасидан прокурор назоратини самарали ташкил этишини таъминлашга имкон берган;

иссиқхона хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотларини этиштириш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари Олий суд, Бош прокуратура, ДХХ ва ИИВ ўртасидаги “Иссиқхона хўжаликларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш чоралари ҳақида”ги 25.04.2024 йилдаги 34-ҚҚ-сонли Кўшма қарорда акс этган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2024 йил 3 майдаги 11.1/3-24-153-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илм-фан ва илмий тадқиқотлар устидан прокурор назоратни янада қучайтиришга хизмат қиласи.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 7 та илмий анжуманд, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра сұхбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 15 та (шундан, 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуулари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилингандиги, аprobацияси, натижаларининг эълон қилингандиги, диссертацияниң ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг “**Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг назарий – ҳуқуқий асослари**” деб номланган биринчи бобида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предмети, обьектининг илмий-назарий асослари, ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари тадқиқ этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети прокурор тартибга солиш фаолияти йўналтирилган озиқ-овқат хавфсизлигига оид ижтимоий муносабатлардир. Тадқиқотда муаллиф озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметини таҳлил қилас экан нафақат қонунлар балки қонуности ҳужжатларининг ижро этилиши ҳам прокурор назорати предмети ҳисобланишини асослаб беради.

Амалиётда кўпинча прокурорлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддаси талабини бузиб, назорат предметига Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёнлари ижроси ҳам киритиб юборилмоқда. Аксарият ҳолларда мамлакатимизда Бош вазир, Бош вазир ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси Департамент ва котибият мудирлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссиялар қонун талабларига зид бўлган бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиб, тўғридан-тўғри вазирлик ва идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юбормоқдалар. Айниқса, энг талабгир соҳаларда рухсат берувчи маъмурий тартиб-таомиллар Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари раислигидаги комиссия йиғилиш баёнлари билан ўтиб кетмоқда. Бироқ, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида прокурор назорати предмети вазирликлардан бошлангани учун юқоридаги субъектлар томонидан қонун талабларига итоат этилиши, улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигига прокурорлар томонидан ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, ҳукумат комиссияси мансабдор шахслари фаолиятида қонун талабларига риоя этилиши ҳамда улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини прокурор назорати предметига кўшиш таклифи илгари сурилган.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда

фаолият юритувчи оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва дөхқон хўжаликлари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик талабларига риоя этилиши прокурор назорати предмети сифатида баҳолаш лозим деган хуносага келинди. Бу ерда масала прокурор назорати предмети ва обьектини кенгайтириш ҳақида кетмаяпти. Аксинча, прокурор томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатувчи обьектларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Прокурор назорати обьекти деганда прокуратура ваколати тадбиқ этиладиган ҳокимият органлари, ташкилот, муассаса ва мансабдор шахсларни тушуниш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат назорати Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда қонунчилик билан белгиланадиган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Президентининг Қарор ва Фармонларида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши белгиланган бўлса-да, шу кунга қадар қабул қилинмаган. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни максимал даражада унификациялаш мақсадида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурияти юзага келмоқда. Бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Озарбайжон, Туркманистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Арманистон каби давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигига оид ижтимоий муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинган, мазкур соҳада давлат назорати масалалари ёритилган. Ягона қонун хужжатини қабул қилиниши орқали озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи нормаларни ягона хужжатда унификация қилиш ва тизимлаштириш, ушбу соҳасидаги муносабатларни комплекс хуқуқий тартибга солишга эришилади. Буни ижтимоий сўровда қатнашган 4680 нафар респондент-ларнинг 2577 нафари ёки 55 фоизи тасдиқлаб, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида ягона қонуннинг қабул қилиниши зарурлигини маълум қилган.

Ижро ва назорат функцияси бир вазирлик қўлида жамланиши, назорат идораси томонидан назорат функцияси ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида прокурор назоратига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, озиқ-овқат етиштириш устидан назорат функцияси юклатилган Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 1485 нафар ходимлари, 9 349 та ҳоким ёрдамчилари, 644 нафар фермерлар кенгаши ходимлари, жами 11 478 нафар назоратчилар мавжуд бўлса-да, улар томонидан сўнгги уч йилда ердан самарасиз фойдаланиш бўйича прокуратура органларига бор-йўғи 5 та қонун бузилиши ҳолати бўйича материал берилган, холос.

Бугунги кунда прокуратура органларида хизмат қилаётган ва ижтимоий сўров жараёнида иштирок этган ходимлардан 3 557 нафари (76 фоиз) озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат қилувчи

органларни (*агроинспекция, ветеринария, карантин, санитария-эпидемиология идоралари*) давлат бошқаруви органлари таркибидан чиқарилиши лозимлигини билдиришган. Шу боис, озиқ-овқат экинларини экилиши, етиштирилиши ва бу мақсадга ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати функциясини Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан “Ўзагроинспекция”га ўтказиш, инспекцияни вазирлик тасарруфидан чиқариб, мустақил назорат қилувчи идора мақомини бериш таклиф этилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона орган де-факто мавжуд эмас. Агарар ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилган. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 12 кишидан иборат Озиқ - овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил қилинган ва шундай долзарб масала бўйича давлат сиёсатини юритиш шу бошқармага қолганлиги назаримизда ўта аянчли ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ягона органга юклатилган. Юқоридагиларга кўра, алоҳида маҳсус қонун ҳужжати билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат органи ташкил этиш таклифи илгари сурилган.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда мазкур йўналишдаги назорат органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш муҳим ўрин тутади.

Диссертациянинг “**Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишнинг долзарб масалалари**” деб номланган иккинчи бобида прокурор назоратини ташкил этишнинг умумий масалалари, назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун прокурорнинг таъсир чораларини қўллаш хусусиятлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Озиқ - овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш деганда, мазкур йўналишда назоратнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида прокуратура ходимларини танлашдан улар фаолиятини ҳуқуқий, моддий, услугубий жиҳатдан таъминлашга қадар бўлган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишдаги энг муҳим оқсоқлик бугунги кунда мазкур йўналишда услугубий ва амалий қўлланмаларнинг этишмаслигидир. Прокурор ходимлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровларда қатнашган 1757 та (38 фоиз) респондентлар прокурорлар озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш масалалари бўйича услугубий адабиётлар (*тавсия, ишиланма ва қўлланмалар*) этишмаслигини баён қилишган.

Аксарият ҳолларда санитария эпидемиология хизмати ходимларига текшириш тартибини бузганлик важи билан Бизнес омбудсман томонидан 2023 йил 6 ойида 1474 нафар мансабдорларга маъмурий баённома

расмийлаштирилган.¹ 2023 йилда 61 та ҳолатда сифатсиз ва яроқсиз озиқ-овқат истеъмол қилишдан 507 нафар шахс жабрланган бўлса, шундан 9 нафари вафот этган. Жабрланганларнинг 133 нафари болаларни ташкил этади. Хизматнинг озиқ - овқат маҳсулотларини сифатига оид текширишларини “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга оширилиши таклиф этилади. Хусусан, ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг 3237 нафари ёки 69,2 фоизи юқоридаги фикри тасдиқлаган.

Бундан ташқари, назаримизда назорат идорасига молиявий ва маъмурий жарималарни ўтказиш ваколатини берилиши, улар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунларни қўллашда холислик ваadolat тамойиллари бузилишига олиб келмаслик учун тушган маблағлар тўлиқ бюджетга туширилиши ва бюджет қонунчилигига мувофиқ сарфланиши ҳақидаги талабни киритиш лозим бўлади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг воситалари деганда – ушбу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган қонунчилиқда назарда тутилган ҳуқуқий воситалар мажмуи тушунилади. Прокурор фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий воситаларига қўйидагиларни киритиш мумкин: 1. Прокурор назорат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; 2. Прокуратура фаолияти ва уни ташкил этишнинг тамойиллари; 3. Прокурор томонидан назорат фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган ваколатлар; 4. Прокурор фаолияти тартиби; 5. Ҳуқуқий санкциялар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ушбу маҳсулотларни етиштириш, молиялаштириш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги каби муҳим занжирларни ўз ичига қамраб олиши, миллий хавфсизлик билан боғлиқ масала бўлганлиги, жойларда прокурорларнинг иш ҳажми кўплиги, ёш мутахассисларни сони қўплиги, уларни услубий жиҳатдан йўналтириш мувофиқлиги, бугунги кунда соҳада қонун бузилиши ҳолатлари кенг тарқалганлиги сабабли мамлакатимизда тараққиётнинг ҳозирги босқичида озиқ-овқат хавфсизлигига оид алоҳида соҳавий буйруқ қабул қилишга эҳтиёж мавжуд. Мазкур йўналишда прокурор назоратини кучайтириш мақсадида Бош прокурорнинг “Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги соҳавий Буйруғини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилади. Прокуратура органларида хизмат қилаётган ва ижтимоий сўров жараённида иштирок этган ходимлардан 3 060 нафари (65 фоиз) Бош прокурор-нинг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати йўналиши бўйича Бош прокурорнинг маҳсус соҳавий буйруғи қабул қилиниши лозимлиги ҳақида фикр билдиришган.

Озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш йўналишида 2020 йилда қонунийлиги ўрганилган 1 997 та назорат ҳужжатларининг 1011 таси 50,6 фоизи, 2021 йилда 2 009 та назорат ҳужжатларининг 655 таси ёки

¹ <https://biznesvakil.uz>

33 фоизи асоссиз ва сифатсиз қўлланилганлиги бу борада прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда сифат ва самарадорликни оширишни тақазо қилмоқда.¹ Айрим ҳолатларда, туманларда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг аксарияти ёш эканлиги, уларнинг тажриба, билим ва кўникмалари етишмаслиги оқибатида, протестлар қабул қилиш жараёнида ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. 2021 йилда озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид протестларнинг 112 таси асоссиз ва 84 таси сифатсиз қўлланилган.² Ўтказилган сўровда иштирок этган 1869 нафар респондентлар озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг сифати ва самарадорлигини мутлақо қаноатлантирумаслигини баён қилишган.

Энг ачинарлиси, аксарият прокурорлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликка зид ҳужжатга нисбатан протест келтириш билан чекланилиб, қарор қабул қилишда қонунни бузган мансабор шахсларнинг интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинмасдан қолмоқда. Умуман олганда, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифати билан боғлиқ низоларнинг суд тартибида кўриб чиқилишига кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур низоларда асосан ҳўжалик шартномаларидан келиб чиқиб, мулкий муносабатлар мавжуд бўлганлиги сабабли, охир оқибат судда кўрилади. Шу ўринда, “Давлат божи тўғриси да”ги Қонуннинг 8, 9,10-моддаларида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун бериладиган даъволар ва шикоятлар юзасидан давлат божидан озод қилинган бўлсада, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги юзасидан хулоса берувчи Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига давлат божисиз судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмаган. Келгусида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга давлат божи тўламасдан мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш истиқболлари” деб номланган учинчи бобида хорижий давлатлар тажрибаси, органлари билан ҳамкорликнинг аҳамияти ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини асосларини такомиллаштириш масалалари та дқиқ қилинган. Диссертант томонидан озиқ - овқат хавфсизлиги оид қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш борасида Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон тажрибалари таҳлил қилиниб, Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида “фуқаро” атамаси билан бирга “инсон” тушунчаси ҳам қўлланилганлиги алоҳида эътироф этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 14 июлдаги №11/8-21-7-52-сонли танбехи.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 6 мартағи 1-39602/20-сон хати доирасида Бош прокуратуранинг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг ҳисобот маълумотларидан олинган.

“Инсон” атамаси “фуқаро” атамасига нисбатан кенг тушунча ҳисобланади. Мисол учун, Фуқаролик кодексининг 16-моддасига мувофиқ фуқаро деганда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар” тушунилиши белгиланган. Айниқса, биронта давлат фуқаролиги бўлмаган вақтинча муайян мамлакат ҳудудида бўлиб турган қочқинларнинг озиқ - овқат хавфсизлигига бўлган ҳуқук ва манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим. Шу нуқтаи назардан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига “фуқаро” атамаси билан биргаликда “инсон” атамасини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деган таклиф илгари сурилган. Хорижий давлатларнинг аксариятида (*Россия, Қозоғистон, Беларусь, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон*) мамлакатимиз қонунчилигига ўхшаш тарзда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан ихтисослашган назорат тегишли вазирликлар томонидан амалга оширилса, ушбу органлар томонидан қонунга риоя этилиши устидан маҳсус назорат прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Шу каби, аксарият давлатларда миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонун хужжатларида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигига оид нормалар белгиланган бўлиб, ушбу нормалар соҳада прокурор назорати сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Украина Республикаси, Озарбайжон Республикасида “Миллий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунларда миллий хавфсизликни таъминловчи субъект сифатида прокуратура белгиланган. Германия, Франция, Швеция, АҚШ каби давлатларда ҳам юқоридаги каби тизим мавжуд. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлиги асослари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва ушбу қонунда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий тамойиллари, обьекти ва субъекти, мамлакатимизнинг миллий ва иқтисодий манфаатлари, Ўзбекистоннинг иқтисодий тизимига тажовузлар ёритилиши ва озиқ-овқат хавфсизлиги миллий ва иқтисодий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида акс этиши мақсадга мувофиқ. Ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган респондент-ларнинг 3227 нафари ёки 68,9 фоизи юқоридаги фикрни тасдиқлаган.

Прокуратура органлари озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун хужжатлари ижроси устидан назоратни амалга оширишда бошқа органлар билан муносабатларини қуидаги шаклларда амалга оширади: 1. Бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида текшириш ва мониторинглар ўтказади; 2. Прокуратура органлари озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширувчи назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириб боради; 3. Озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишида фаолият юритаётган назорат қилувчи идораларнинг назорат фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Бундан кўриниб турибдики, прокурор тегишли вазирлик ва идоралардан мутахассис жалб қилган ҳолда ёки маълумотларни олиш йўли билан ҳамкорликда текшириш ва мониторинглар ўтказиши мумкин.

Диссертант томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан мониторинг деганда прокуратура ва назорат идоралари томонидан

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан туриб, олиб бориладиган кузатув деб таъриф берилса, текширишда субъектнинг молия хўжалик фаолиятига аралашган ҳолда ўтказиладиган назорат тадбири сифатида қайд этади.

Назорат идоралари билан ҳамкорликда ўтказиладиган назорат тадбирларида назорат идоралари вазифа ва функцияларини такорланишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Сўнгги йилларда Бош прокуратура томонидан ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги устидан назорат йўналишида микдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Бугунги кунда прокуратура органларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида назоратни ташкил этишини такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни биз икки гурухга, яъни прокуратура органлари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ва прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ бўлмаган омилларга бўлиб таҳлил қиласиз.

Прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ бўлмаган омиллар:

1) Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллашмаганлиги.

2) Аҳолини, шунингдек ижтимоий муассасаларни озиқ-овқат билан таъминлаш тизимининг қониқарсизлиги.

3) Назорат қишуви органлар фаолиятидаги камчиликларнинг мавжудлиги.

Назорат органларида давлат хизматчиларини қисқартирилиши чекланган сони билан унга юкланган вазифаларни бажариб бўлмаслигига, назорат органлари фаолияти бузилишига, улардаги назорат сифати тушишига олиб келмоқда.¹

Мисол учун, қишлоқ хўжалиги ерларида давлат назоратини амалга оширувчи “Агроинспекция”да атиги 65 нафар давлат назоратини амалга оширувчи штат бирликлари мавжуд бўлиб, шундан 60 нафаригина вилоятларга бириктирилган. Республикада 21 млн. гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги, 4 млн. гектардан ортиқ экин ери мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳар бир давлат ер назоратчисига 350 минг гектардан қишлоқ хўжалиги, 67 минг гектардан экин ерини назорат қилиш тўғри келмоқда.² Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги ходимлар кучи билан озиқ-овқат маҳсулотларини экиш ва етиштириш устидан давлат назоратини амалга ошириш умуман имконсизdir.

Прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган омиллар:

1) Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида прокурор назоратининг услубий ва норматив асослари етарлича мавжуд эмаслиги.

Ўтказилган сўровда қатнашган 4680 нафар прокурор ходимларидан 2146 нафари 45 фоизи озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ижроси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.01.2023 й., 06/23/14/0053-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг 20.06.2023 йилдаги 114-сонли буйруғи 1-иловаси.

юзасидан текшириш ўтказгани, 2534 нафари 55 фоизи ушбу йўналишда текшириш ўтказмаганини маълум қилган. 3251 (69,5%) респондентлар озиқ-овқат хавфсизлиги устидан прокурор назоратини прокуратура органларининг мустақил йўналиши сифатида баҳолашни таклиф этган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратура органлари ходимлари ушбу йўналишда доим ҳам етарли билим ва текшириш услубини билмаслиги маълум бўлди. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелдаги Конституцияси 15-моддаси талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида назорат предметига Ўзбекистон Республикасида кучга кирган ва бажарилиши мажбурий бўлган халқаро шартнома ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши ҳамда халқаро шартнома ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Диссертант “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиб, унда назорат органлари ҳамда прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар тартибини аниқ ёритиш, тадбиркорлик субъектларида прокурорлик текширувани қандай тартибда амалга оширишни аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

ХУЛОСА

“Озиқ-овқат хафсизлигига оид қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги хulosаларга келинди:

I. Прокурор назоратига оид илмий-назарий хulosалар:

